



СОҶИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ДАВРИДА ИЛМ-ФАНГА БЎЛГАН МУНОСАБАТ

Элёрбек Абдуқаюм ўғли Турдимирзаев

Фанлар Академияси Тарих институти кичик илмий ходими

Тел.(90) 753 05 20,

Э-mail: turdimirzayevelyorbek@gmail.com

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10074777>

ARTICLE INFO

Received: 31th October 2023

Accepted: 04th November 2023

Online: 05th November 2023

KEY WORDS

Амир Темур, Тафтазоний,
Саййид Шариф Журжоний,
дин илми, тарих илми.

ABSTRACT

Ушбу мақолада Амир Темурнинг илм-фанга бўлган муносабати хусусан, унинг дин ва тарих илмлари ривожига қўшган хиссаси, унинг олимлар билан ўтказган мунозара ва суҳбатлари, Амир Темурнинг тарих илмига бўлган қарашлари очиб берилган.

Ер юзида яшаб ўтган харбий даҳодан бири деб билинган Амир Темур, ўзининг 35 йиллик (1370-1405) ҳукумронлик даврида шарқда Хитой, ғарбда Қора денгиз ва Ўрта ер денгизи, жанубда Ҳиндистонгача узайган буюк бир императорлик қурди. Амир Темур ҳақида форс, усмонли, араб ва ғарб манбаларида жуда кўп бир-бирига зид ва ихтилоfli фикрлар учраса-да, лекин уларнинг биронтасида Соҳибқирон Амир Темур енгилди деган маълумот учрамайди.

Амир Темур томонидан 1370-йилда асос солинган Темурийлар давлати 1507-йилгача ўзи ва авлодлари томонидан бошқарилди. Деярли барча темурий ҳукумдорлар, айниқса, Амир Темур илм-фан ва маданиятга жуда катта эътибор қаратган. Чунки Амир Темур узоқни кўра оладиган, фаросатли ва жуда зукко шахс эди. Унинг заковатли шахс эканлигига ўша даврнинг буюк тарихчиларидан, жамиятшунослик фанининг асосчиси ҳисобланган Ибн Халдун ҳам гувоҳлик берган. “У (Темур) зеҳни мустаҳкам ва жуда заковатли, кўп баҳслашадиган, билган ва билмаган нарсасида қатъиятли кишидир”. [1, Р. 741] Амир Темур забт этган юртларида олимлар ва билим одамларини бир жойга тўплаб, улар билан турли мавзуларда баҳс ва мунозаралар олиб боришни яхши кўрар эди. Бу сўзимизни темурийлар даври араб тарихчиларидан Абдурахмон Саховий ҳам яққол тасдиқлайди. У ўзининг “Аз-зов ал-лами” асарида шундай дейди: “У (Темур) олимларни бир жойга тўплаб, уларга ўзаро баҳс-мунозара қилишни буюрарди ва уларга турли масалада саволлар бериб қийнарни”. [2, Р. 50] Биз Амир Темурни илм-фан ва олимларга бўлган муносабатини ўрганишда яна шуни хулоса қилишимиз мумкинки, Амир Темур бирор даврада олим ва уламолар билан суҳбат қурадиган бўлса, ўз даврининг ва соҳасини етук кишилари билан баҳс-мунозара юритган. Бу фикрларимизга мисол тариқасида Амир Темур Ҳалаб шаҳрини фатҳ этганда, шаҳарга кириб уламоларни бир жойга тўплайди ва ўзининг таржимони бўлган Абдулжаббор ибн Нўмонга шундай дейди: уларга айт “мен сизлардан бир масала тўғрисида сўрайман. Бу



масалани Самарқанд, Бухоро, Ҳирот ва барча фатҳ этган юртларимдаги уламолардан сўрадим. Лекин улардан тайинли жавоб олмадим. Сизлар улар каби бўлманг. Менга энг билимдон ва фозил кишингиз жавоб берсин”. [3, P. 299] Бундан кўриниб турибдики, Амир Темур ўзи билан суҳбат олиб борадиган кишиларини ҳам энг билимдонларини танлаб олган. Амир Темурнинг илм одамларга бўлган муносабатини Ибн Арабшоҳ кўйдагича таърифлайди. *“Темур олимларга меҳрибон бўлиб, саййид-у шарифларни ўзига яқин тутарди. Уламолар ва фозилларга тўла-тўқис иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан батамом муқаддам кўрарди. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, ўз икром-у ҳурматини унга изҳор этарди. Уларга нисбатан ўз муруввати бисотини ёрдики, бу муруввати унинг ҳайбати билан аралаш эди. Улар билан мазмунли баҳс ҳам юритар эдики, бу баҳсида инсоф-у ҳишмат бўларди. Унинг лутфи қаҳри ичига қорилган бўлиб, кўрслиги эзгулиги орасига қўшилган эди”*. [11, P. 397]

Темурийлар даврида, мўғиллар босқинидан кейин аянчли ҳолатга тушуб қолган илм-фаннинг турли соҳалари, шу жумладан математик, астрономик, тиб илмлари, адабиёт, тарих ва ислом илмлари ўзининг иккинчи уйғониш даврини бошдан кечирди десак муболаға бўлмайди. Амир Темур фатҳ этаган мамлакатларидан турли соҳаларда машҳур бўлган ўз даврининг олимларини Самарқандга олиб келишни одат қилган эди. Темур Самарқандга ҳақийқатдан ўз даврининг энг истедодли кишиларини тўплаган. Бунинг натижасида Самарқанд илм-фан, маданият ва санъатнинг марказига айланди.

Темурийлар даврида ислом илмларининг ривожини ўзининг юксак чўққисига чиқди. Амир Темур жуда этиборли дин олимларини амалга оширган сафарларидан сўнг Самарқандга дават этиб, улар учун мадрасалар қурдирди. Буларнинг энг кўзга кўринганларидан бири, Темур Хоразимни эгалаган пайтда тафсир, ҳадис, фикҳ, фалсафа, калом, мантиқ, араб-тили ва бошқа илмларда машҳур бўлган Садуddин Тафтазоний ҳисабланади.[4, P. 267] Садуddин Тафтазоний (1322-1390) Амир Темур 1379-йил Хоразимни қўлга олган вақтида ўша ерда бўлиб, Муизиддин Картнинг ўғли Сарахс ҳоқими Малик Муҳаммаднинг илтимоси билан Темур уни дастлаб Сарахсга боришига руҳсат беради. Самарқандга қайтгандан сўнг, Хоразимни фатҳи билан уни табриклаш учун келган олимлар ва шайхларнинг “Темур ҳазратлари Хоразимни фатҳ этди, аммо бу фатҳнинг асл мевасини Малик Муҳаммад Сарахси олди” деганларини Темур эшитди ва улардан бу нимани англатишини сўради. Бунга жавобан Тафтазонойнинг асарлари шарқда ва ғарбда бирдай қабул қилинганлигини жавобини олди. Темур шу заҳоти Тафтазонийни Самарқандга дават этди. Аммо Тафтазоний Ҳижозга кетаётганлигини баҳона қилиб, бу таклифни рад этди. Темур Тафтазонийни мақтаб унинг каби буюк олим мутлақо Самарқандга келиши кераклигини билдирган иккинчи давлатида Тафтазоний оиласини олиб йўлини Самарқандга бурди ва у ерда Темур тарафидан катта ҳурмат билан кутиб олинди.[5, P. 104-105] Темур илмий ишларини ўлгунигача Самарқандда давом эттирган Тафтазонийга ҳурмат ва эътиборда камчилик кўрстмади ва уни Самарқандда йиғилган олимларни бошчиси қилиб қўйди. Темурнинг бу буюк олимга кўрсатган ҳурматини мажлисларда уни ўзига энг яқин жойга ўтказиши ва мажлиснинг ниҳоясида уни яшайдиган жойига кузатиб қўйишидан билиш мумкин.[5, P. 105]

Амир Темур даврида фаолият олиб борган машҳур олимлардан яна бири Саййид Шариф Журжонийдир. Саййид Шариф Журжоний 740/1340-йил таваллуд топган.[6, P.



488] Амир Темурнинг Саййид Шариф Журжонийга нисбатан хурмати жуда баланд бўлган. Бу сўзимизга мисол тариқасида қуйдаги воқеани келтирамиз: Амир Темур Шероз шахрини эгаллаган вақтда Журжоний Шерознинг кўзга кўринган алломаларидан бири эди. Темурга қарашли аскарлар шу минтақада қозонган эътибори ва хурмати учун Журжонийга ҳеч қандай зарар бермадилар, аксинча, унга қаттиқ ҳурмат кўрсатишди. Унинг уйига бир ўқни осиб қўйиб ўша уйни ҳафсиз уй эканлигини билдирдилар ва ким шу уйга кирса омонда бўлишини билдирдилар.[7, Р. 23] 789/1387-санада Шерозни забт этган Амир Темур Кўрагоний Саййид Шариф Журжонийни ўзи билан Самарқандга олиб кетди. Амир Темур Саййид Шариф Журжонийни мударрисларни бошлиғи мансабига қўйди.[8, Р. 54] Саййид Шариф Журжонийни ҳаётини яхшилаб ўрганган олимларнинг такидлашларича, у киши ўта заковатли, ҳар бир нарсани диққат билан охиригача ўрганган зот бўлган. У киши ўта фаросатли ва балоғатли сўз устаси бўлиши билан бирга, мунозара олиб боришда ҳам моҳир бўлган. Саййид Шариф Журжонийт тафсир, ҳадис, фикҳ, тасаввуф, калом, араб-тили, фалсафа, мантиқ, фалакиёт, математика, мазҳаблар тарихи ва бошқа илмларга оид асарлар битган. Саййид Шариф Журжоний ёзган китоблари, хусусан, араб-тили, фароиз ва калом илми бўйича қолдирган асарлари асрлар оша илм даргоҳларида дарслик бўлиб келган ва келмоқда.[8, Р. 56] Аллома Амир Темур вафотидан сўнг 1413-йил Шерозда вафот этади.

Амир Темур даврида тарих илмига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Амир Темурнинг тарих илмига бўлган муҳаббати ўзгача эди. У барча илмлардан кўра тарих илмига алоҳида аҳамият берган. Бу буюк фотиҳнинг тарих илмига бўлган севгисини ўз даврининг буюк тарихчилари хусусан, Араб тарихчиларидан Ибн Тағриберди ҳам эътироф этган. Шу ўринда араб тарихчиларининг умумий хусусиятларига тўхталадиган бўлсак, араб тарихчиларининг деярли барчаси Амир Темурга нисбатан салбий муносабатда бўлганлар. Араб тарихчиларининг гувоҳлик беришича Темур ўқишни ва ёзишни билмас эди. Араб тилини ҳам умуман билмас лекин форс, турк ва мўғил тилларини жуда яхши билар эди.[11, Р. 398] Амир Темур даврида тарих илмига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Лекин араб манбаларида ҳам Амир Темурнинг илм-фанга ва олимларга бўлган муҳаббати яхши ёритилиб берилган. Ибн Тағриберди Амир Темурнинг тарих илмига бўлган севгисини шундай тасвирлайди: *“У (Темур) тарих ва набийлар қиссаларини эшитишни жуда севарди. Уларга (пайғамбарларга) туну-кун саловат айтарди. Тарих китобларни қайта-қайта қўп тинглаганидан, уни бир мақола ҳолига келтириб олган эди. Уни ўқиб беручи агар хато қилгудай бўлса уни тўғирлаб қўяр эди. У илм ва олимларни яхши кўрар, хунармандларни ўзига яқин тутар эди. Аҳи илм кишилар билан қўп баҳсларди ва бу баҳсларда адолатли бўлар, шоир ва масхарабозлардан нафратланарди”*. [9, Р. 163] Амир Темурни тарих илмига бўлган муносабатини Ибн Арабшоҳ шундай таърифлайди: *“Темур тарих (китоб)лари, Худонинг раҳмати ва саломи бўлғур анбиёлар қиссаларини, подшоҳлар сийратлари ва ўтган салафлар ҳақидаги ҳикоялами доимо-сафарда ҳам, хадарда ҳам ўқитиб, қунт билан тинглар эди. Буларнинг ҳаммаси форс тилида эди. Ушбу ҳикоятламинг қайта-қайта такрорланиб ўқилиши, улар нағмаларининг унинг қулоғига муттасил чалиниши натижасида Темур у (ҳикоят)лар жиловини қўлига олиб, батамом ўзлаштириб, гўё ўз мулки мисоли қилиб олган эди. Бу шу даражага бориб етгандики, агар ўқиётган киши*



бирор хатога йўл қўйса, Темур унинг хатосини тузатиб, саволга солар эди. [11, P. 398] Амир Темурга тарих китобларини ўқиб берувчи киши мавлоно Убайд исмли шахс бўлган. [11, P. 413] Амир Темурнинг тарих илмига бўлган муносабатини янада яхши тушунишимиз учун ислом тарихининг энг буюк намоёндаларидан бири, балки энг буюги ҳисобланган Ибн Халдун билан учрашувидаги мулоқотини яхшилаб тадқиқ қилиб кўришимиз керак ҳисбланади. Ибн Халдун Амир Темурнинг тарихга бўлган севгисига қўшимча, шахсияти, унинг қабул чодирини, одатлари ҳақида ҳам қизиқарли ва муҳим маълумотлар берган. Шу ўринда Ибн Халдуннинг тарих илмига бўлган муносабатини ҳам келтириб ўтсак, Ибн Халдун тарих илми борасида шундай деган: *“Билгинки, тарих илми фойдалари кўп ва юксак мақсадларга эга бўлган муҳим бир илмдир. Чунки диний ва дунёвий ишларни мустаҳкам пойдеворлар устига қуришни истаган киши фақат тарих орқали ўтган жамиятлар ахлоқини, пайғамбарлар ҳаёти ва қурашларини, ҳукмдорларнинг бошқаруви ва сиёсатини билиб, ундан ибрат олади”*. [1, P. 13] Энди бевосита учрашувга тўхталадиган бўлсак, бу суҳбатда Амир Темурнинг тарих ва илм одамларига қанчалик ҳурматда бўлиши очиқ равшан кўринмоқда. Лекин биз бу икки саркарда ва алломанинг суҳбатини деталлари билан ёритадиган бўлсак, тадқиқотимиз узайиб ўз чегарасидан чиқиб кетиши мумкин, шунинг учун биз бу суҳбатнинг хулосасини берсак мақсадга мувофиқ бўлади. Амир Темур Дамашқни эгаллагандан сўнг ўзининг олдида бир гуруҳ олимларни тўплайди, хусусан Темур Ибн Халдунни олиб келишни буюради. Ибн Халдун Темур ўтирган чодирга кириди ва унга салом бериб қўлини ўпади. Амир Темур Ибн Халдунни жуда яхши кутиб олади. Шундан сўнг Темур Ибн Халдунга ўзининг ўлкаси ва тарихга оид бир қанча саволлар беради. Бу саволларга Ибн Халдун ҳам жуда чиройли жавоб беради. Лекин Ибн Халдун берган жавобларга баъзиларига Амир Темур қониқиш ҳосил қилмай шу мавзуларда ўзининг қарашларини ҳам унга билдиради. Темурнинг бу қарашларидан Ибн Халдун ҳам лол қолади. Шундан сўнг Темур Ибн Халдуннинг барча истакларини рўёбга чиқаради ва хатто унинг Мисрга кетишига ҳам ижозат беради. [10] Бундан кўришимиз мумкинки, бутун умир жангу-жадал ва сафарларда ўтган Амир Темурнинг бутун умри илм олиш билан ўтган Ибн Халдундан тарих илмида ҳеч қолар ери йўқ эди. Бу араб тарихчиларининг гувоҳлигидан кўришиб турибдики, Амир Темур тарих илмининг ривожини учун жуда катта сай-ҳаракатларни амалга оширади. Бунинг натижасида замонасининг энг буюк тарихчи олимлари ҳам Амир Темур ва темурийлар даврида яшаб ижод қилганлар. Низомиддин Шомий, Шарофиддин Али Яздий, Ҳофиз Абду Муиниддин Натанзий, Ибн Арабшоҳ, Тож Салмоний, Абдуруззоқ Самарқандий ва бошқа машҳур тарихчилар шулар жумласидандир.

References:

1. عبد الرحمن ابن خلدون. تاريخ ابن خلدون. ٧. بيروت. دار الفكر. ٢٠٠٠.
2. شمس الدين السخاوي. الضوء اللامع لأهل القرن التاسع. ٣. بيروت. دار الجيل. ١٩٩٢.
3. أبو الوليد ابن الشحنة. روض المناظر في علم الأوائل و الأواخر. بيروت. دار الكتب العلمية. ١٩٩٧.
4. Ahmet Şimşirgil. Emir Timur. Istanbul. 2017.
5. Musa Şamil Yüksel. Timurlularda Din-Devlet İlişikisi. İzmir. 2007.
6. محمد علي الشوكاني. البدر الطالع بمحاسن من بعد القرن السابع. - القاهرة: دار الكتب الإسلامية. بدون تاريخ



7. Övezmuhammet Abdullayev. Seyyid Şerif Cürçani'de Tanri-Alem Tasavvuru. Bursa. 2005.
8. Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. Samarqandning sara ulamolari. Toshkent. 2019.
9. يوسف ابن تغري بردي. النجوم الزاهرة في ملوك مصر و القاهرة. -القاهرة. دار الكتب المصرية. ١٩٢٩
10. عيد الرحمن ابن خلدون. تأريخ ابن خلدون ١. - بيروت. دار الفكر. ٢٠٠٠
11. Ibn Arabshoh. Ajoib al-maqdur fi tarixi taymur (Arab tilidan tarjimon Ubaydulla Uvvatov). 2019. Toshkent.